

## **АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “ЛИСОН УТ-ТАЙР” ДОСТОНИДА ТАСАВВУФ ТАЛҚИНИ**

Аҳмедов Ҳошим Ҳакимович

Алишер Навой номидаги ТошДҮТАУ Она тили ва  
адабиёт таълими кафедраси доценти, ф.ф.н.  
Ahmedov.hoshim60@gmail.com

### **Аннотация**

Мазкур мақолада Алишер Навойининг “Лисон ут-тайр” достони ҳақида сўз боради. Асардаги тасаввуф ғоясининг бадиий талқинлари борасида мулоҳазалар баён қилинади. Асарнинг бадиий хусусиятлари таҳлил қилинади. Тасаввуфнинг рамз ва образлари ҳақида фикрлар билдирилади.

**Калит сўзлар:** Алишер Навой, “Лисон ут-тайр” достони, тасаввуф ғояси, бадиий таҳлил.

### **Аннотация**

Эта статья об поэме Алишера Навои «Лисон ут-Тайр». Представлены размышления о художественных интерпретациях идеи суфизма в произведении. Анализируются художественные особенности произведения. Высказываются мнения о символах и образах суфизма.

**Ключевые слова:** Алишер Навои, поэма «Лисон ут-Тайр», идея суфизма, художественный анализ.

### **Annotation**

This article is about Alisher Navoi's poem "Lison ut-Tair". Reflections on artistic interpretations of the idea of Sufism in the work are presented. The artistic features of the work are analyzed. Opinions are expressed about the symbols and images of Sufism.

**Key words:** Alisher Navoi, poem "Lison ut-Tair", the idea of Sufism, artistic analysis.

## **Кириш**

Алишер Навоий ижоди ҳамма замонларда ҳам қизғин мунозараларга бой бўлган. Чунки буюк мутафаккир-шоир ўз асарларида юксак поэтик идеалларни куйлаб ўтган. “Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий адабий тур ва жанрларнинг ривожида салмоқли ўрин тутган санъаткордир. Унинг бой ва бебаҳо ижоди ўзбек классик адабиётини, унинг тур ва жанрларини янги тараққиёт погонасига кўтарди, такомиллаштириди”, -деган эди улуғ адабиётшунос-олим Натан Маллаев. [1, 90 бет]. Дарҳақиқат, адаб асарларининг батафсил ўрганибгина унинг мазмун-моҳиятига етишимиз мумкин. Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони бой маъно қатламларига эга. [2]. Бизнинг мақсадимиз бу йўлдаги кичик бир уринишdir.

## **Манбалар таҳлили**

Бу достон 192 кичик боблардан иборат бўлиб, Фаридиддин Атторнинг “Мантиқут-тайр” достонининг эркин шеърий таржимасидир. Достондаги ғоя, мақсадни шоир шундай баён қиласди:

Чун “Лисон ут-тайр” илхони билан тараннум тузубмен,

Қуш тили ишорати билан ҳақиқат асрорин мажоз суратида қўргузубмен.[3, 27 бет]

Достондаги воқеалар қушларнинг рамзий риёзат (тасаввуф) манзилларини босиб ўтиб, асл подшоҳ – симурғ (худо) васлига етишувлари (бақо) ҳақидадир. Қушларнинг доно пешво – Ҳудҳуд (попишак) бошчилигидаги босиб ўтишган манзиллари қўйидагилар:

1. Талаб. 2. Ишқ, 3. Маърифат. 4. Истиғно. 5. Тавҳид. 6. Ҳайрат. 7. Факру фано. Бир неча минглаб қушлар асл подшоҳни излаб йўлга тушадилар. Уларнинг кўпчилиги йўл азобига дош беролмай нобуд бўладилар. Сўнгги фано (бақо) манзилида қушлар шунча машаққатлардан сўнг подшоҳни эмас, чор-атрофда фақат ўз аксларини кўриб ажабланишади. Чунки ана шу етти риёзат босқичидан ўтиш жараёнида қушлар тамоман покланиб, комиллашиб борган эдилар. Охирги босқичда эса, улар асл манбага – боқийликка қайтдилар. Худо сифатларини, моҳиятини ўзларида кўрдилар. Чунки, тангри пок ва бенуқсондир. Ана шундай поклик ва комилликка эришиш – боқийлик саналади. Фано мақомига етишган солик ўзини қудратли яратувчининг бир зарраси эканлигини, тўлиқ ва бешубҳа англайди, руҳи илоҳга қўшилиб,

абадийликка эришади. Ана шу риёзат босқичларидан ўтиш чоғида қушларнинг турли важлар билан берган саволларига Ҳудхуд ибратли ҳикоятлар билан жавоб беради. Масалан, достонда Шайх Санъон қиссаси энг катта бўлиб, унда сулуқда энг юқори мартабага эришган комил сўфий, шайхлар сардори – Санъоннинг ўтли ишқи хикоя қилинади. Бир куни Шайхнинг тушига тарсо (христиан) санами аён бўлиб, ишқ чўғини ташлайди. Ва шайх шу ишқ туфайли ўша гўзални излаб мағрибга боради. Черковда ўша санамни топиб, ишқини баён қиласди. У ва черков аҳли, атрофдагилар шайхнинг расвойи ишқ бўлганидан куладилар. Ўз аҳдида қатъий турган шайх олдига тарсо қизи тўрт шарт қўяди: Қуръонни ёқиши, бутпараст бўлиш, зуннор боғлаш, май ичиб майда чўмилиш. Буларни бажаргач, яна икки жаримаси ҳам бор: кундузлари чўчқабоқарлик ва кечалари гўлаҳлик қилиш. Шайх барча талаб-шартларни сидқидилдан бажаради. Чунки бу пир кўнглига тушган илохий ишқ ўти эди. Аммо тарсо гўзали ваъдасида турмайди. Шайх бир кун ўзига келиб, унинг ҳолига тинмай қайғурган муридлари билан ортга қайтади. Шу кезларда тарсо санами тушига Исо кириб, ваъдага вафо лозимлигини айтади. Ва қиз ярим йўлда шайхга етиб олиб, калима келтириб, дард-ҳасратлари ортиб, шайх қўлида мусулмон бўлиб, оламдан кўз юмади. Шайх ҳам кўп ўтмай ишқ дардига чидоммай оламдан ўтади.

Бундан ташқари, достонда шоҳликдан воз кечиб, сўфийлик тарихини тутган Иброҳим Адҳам ҳикояти ҳам бор. Унда сўфийлик, илохий мухабbat завқи, шавқи барча нарсадан устун эканлиги ишонарли, мароқ билан ҳикоя қилинади. Шайх Нажмиддин Кубронинг сукр (илохий зикр, машқ) пайтида назари тушган бир итнинг вафодорлиги ҳақидаги ҳикоят ҳам диққатга сазовор.(254-бет). Бугунги кунда маълум бўлдики, ўша ит 1220 йили мўғулларнинг Хоразмга ҳужуми вақтида Шайх билан ёнма-ён жангда қатнашган. Душманлар шайх ва итдаги илохий бир қудратга имон келтиришган.

Хуллас, достонда сўфийлик макомларини босиб ўтган комил орифлар, авлиёлар ҳикоятлари орқали тасаввуф моҳияти очиб берилади.

## **ХУЛОСА**

Алишер Навоий ижодида тасаввуф ғоялари, рамз-тимсоллари ғоят изчил ривожлантирилган. Айниқса, илохий ишқ ғоялари “Маҳбубул-кулуб” асарида яна ҳам теран акс этган:

“Ишқ – порлоқ юлдуздир... башарият кўзининг нури, зиёси шундан: ишқ – товланиб турувчи гавхардир – инсоният тожининг зийнати ва баҳоси шундан. Ишқ – шунчалар қайсарки, унинг олдида шоҳ ҳам гадо ҳам тенг: у шундай зулмкорки, унинг қошида ифлос-фосиқ ҳам, покқидил ошиқ ҳам бир.

Дунё бозорининг ғавғоси ва дунёда бор ҳамма нарсаларнинг савдохонасидағи шовқин-сурон ишқ туфайлидир. Бусиз инсон каломи жонсиз танага, башариятнинг лафзу иборалари гул ва райхонсиз чаманга ўхшайди.[4, 53-бет]. Хуллас, Навоий сўфиёна маъноларни, ғояларни ҳар бир образига, персонажларига боғлайди. Илохий ишқ тасвири аксар муболағадор шаклда кечса ҳам, у кўплаб афоризм, ҳикматли сўзлар, ҳаётӣ, фалсафий хуносаларни яратилишига сабаб бўлган. Табиат, жамиятдаги воқеа-ҳодиса, нарсалар моҳиятини илохий қудратдан келиб чиқиб, тўғри баҳолайди. Бундай кучли, событ эътиқод шоирнинг бутун ҳаёти ва ижодида ўзгармаган.

Тасаввуф ғоя – мазмунини очиш бугунги кунларимизда энг муҳим, адабиёт фанининг фундаментал соҳаларидан биридир. Навоий ижоди шу соҳанинг беқиёс манбаидир.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбек мумтоз адабиётшунослиги. Антология. Т.:”O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”. 2016. – 552.
2. Навоий Алишер. МАТ. XII жилд. Лисонут-тайр. – Т.: Фан, 1996. – 328 б.
3. Навоий Алишер. МАТ. XVI жилд. “”, “Мухокамат ул-луғатайн”, “Мезон ул-авзон”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки Ажам”, “Арбаин”, “Сирож ул-муслимин”, “Муножот”, “Рисолаи тир андохтан”. – Т.: Фан, 2000. – 236 б.
4. Навоий Алишер. МАТ. XIV жилд. “Махбуб ул-қулуб”, “Муншаот”, “Вақфия”. – Т.: Фан, 1998. – 304 б.